

ГАП ҚУРИЛИШИДА ТЎЛДИРУВЧИ ВА ҲОЛ ТАЛҚИНИ**Акрамов Шукуржон Тўхтасинович,**

Кўқон давлат педагогика институти доценти, ф.ф.н.

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек тили синтактик сатҳида кесимнинг гап маркази бўлиб келиши ва унга тобеланиб келувчи анъанавий тўлдирувчи ва ҳол бўлагининг гап қурилишидаги мавқеи масаласига бир чўққили назария аспектида ёндашилса, унинг сўз кенгайтирувчилик, ҳолнинг айрим турлари гап кенгайтирувчилик мавқеини эгаллаши масаласи талқин қилинади.

Калит сўзлар: гап маркази, вербоцентрик назария, валентлик, функционал тўлдирувчи, нофункционал тўлдирувчи, сўз кенгайтирувчиси, гап кенгайтирувчиси.

Аннотация. В статье “Место дополнения и обстоятельства в распространение [WPm]” в отличие от предыдущих исследований этого вопроса в узбекском языкознании, основывавшихся, главным образом, и речевых явлениях, разрабатываются критерии определения и выделения обстоятельств и дополнений в структуре узбекского предложения. Здесь констатируется, что новое понимание статуса дополнения и обстоятельства в структуре предложения – результат исследовательного и постепенного изучения лингвистами валентных особенностей языковых единиц и минимальных моделей предложения.

Ключевая слова. Распространение предложения, валентность, распространение слова, статус дополнения, статуса обстоятельства, выделения второстепенных членов предложения.

Annotation

This article focuses on the fact that the speech of the section on the syntactic level of the Uzbek language and its position in the construction of the traditional complement to the point of view in the most acute theoretical aspect.

Маълумки, одатдаги тўлдирувчи ва ҳоллар битишув ёки бошқарув алоқалари ёрдамида феъл-кесимларга боғланиб, сўз бирикмалари ҳосил қилиб, уларни тўлдириш учун хизмат қилади. Бунда тўлдирувчи ёхуд ҳол - тобе, феъл-кесим эса ҳоким сўз функциясида келади. Лекин ҳол ёки тўлдирувчи формасида шаклланган детерминантлар қўлланган гапларда буларга (детерминантларга) нисбатланган ҳолда, аввало сўз бирикмасини, қолаверса, унинг сўз бирикмаларига хос бирор ҳоким компонетини аниқлаб бўлмайди. Масалан, Б у у й д а менинг сўзим қонун (Ш.Р.). Й

Ў л д а ёлғизлик ёмон (қўшиқ). Интизом тўғрисида қарор қабул қилинди каби икки составли гапларда йўлда, интизом тўғрисида иккинчи даражали бўлаклари сўз бирикмаси таркибига кирмайди ва йўлда ёлғизлик, йўлда ёмон, интизом тўғрисида қарор, интизом тўғрисида қабул қилинмоқ каби сўз бирикмаларини ҳосил қилмайди¹. Бу бўлаклар бутун гапга, унинг эга ва кесимдан ташкил топган яхлит предикативлик асосига алоқадордир. Бу изоҳлардан кўриниб турибдики, детерминант тўлдирувчи ва детерминант ҳол тушунчалари функционал нофункционал тўлдирувчи ёки функционал нофункционал ҳол тушунчаларидан тамоман фарқ қилади. Функционал нофункционал тўлдирувчи² (ёки ҳолли) сўз бирикмаларининг ҳоким сўз гап кесими ёки гап таркибидаги ўрам (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи оборотлари) маркази мавқеида келиш-келмаслиги билан боғлиқ бўлса, детерминант нодетерминант тўлдирувчи ёки ҳоллик гап таркибидаги айрим сўзларга (бўлакларга) ва ҳатто кесимга бевосита тобеланган-тобеланмаганлик алоқалари билан боғлиқдир. Кесимга бевосита тобеланган тўлдирувчи ва ҳоллар нодетерминант тўлдирувчи, нодетерминант ҳол сифатида баҳоланса, гап кесимига бевосита тобеланмаган ҳол ёки тўлдирувчилар детерминант ҳол, детерминант тўлдирувчи деб аталади. Детерминантлар³ ҳақидаги таълимотнинг синтактик таҳлил ва талқинларда берилиш, яшаш жараёнидаги муҳим аҳамияти шундаки, у иккинчи даражали бўлакларни гапнинг бош бўлакларидан ажратди ва гап таркибида эга ва кесим таркибига кирмайдиган тўлдирувчи ва ҳолларнинг ҳам бўла олиш масаласини ўртага қўйди. Тилшуносликда детерминантлар тушунчасининг шаклланиши гап қурилиши ҳамда гап бўлаклари ҳақидаги талқинларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Синтактик талқинларни мукаммаллаштиришни тақозо этувчи омиллардан яна бири тўлдирувчи ва ҳолларни фарқлаш учун ишончли илмий асосларнинг мавжуд эмаслигидир. Рус тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам тўлдирувчи ва ҳолларни фарқлашга бағишланган ўнлаб диссертациялар ёзилганлигига қарамай, Китобни шкафга қўйдим сингари гапларда «шкафга» сўз шаклини тўлдирувчими ёки ҳол эканлигини фарқлашнинг имконияти ҳамон луғавий маъно, сўроқ бериш усули бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси гап қурилишининг анъанавий талқинига, хусусан иккинчи даражали бўлакларнинг гап қурилишидаги мавқеи (WPm) масаласига янги нуқтаи назарлардан ҳам қараш зарурлигини тақозо этади.

Бу қолипдаги (WPm) кесимлик категорияси кўрсаткичлари ва гап лисоний қолипнинг энг кичик нутқий кўриниши, "Бордим", "Ўқитувчиман" каби потенциал гаплар шаклида воқеланади. Гапнинг энг кичик қурилиш қолиpidан иккинчи даражали бўлакларни четлаштириш тилшунослигимизга асримизнинг 30-йилларида кириб келган валентлик назарияси асосида амалга оширилади.

¹ Аҳмедов А. Номинатив гапларнинг алоҳида бир тури//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1978. - № 2, - Б, 40-43..

² Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1981. - № 1.

³ Бошмонов М. Ўзбек тилида детерминант бўлаклар//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1982, - № 2, - Б. 41-43

Гап қурилишига бундай ёндашилганда гап қурилишининг таркибий қисми, яъни анъанавий гап бўлаклари луғавий маънолар(мазмунлар) муносабатига(боғланишига) асосланган сўзларнинг ўзаро вазифадошлигига эмас, балки гап маркази ва кенгайтирувчилари муносабатига кўчади. Демак, бунда гап бўлаклари гап маркази билан бевосита ёки билвосита алоқада турганлигига кўра даражаланади. Гапнинг таркибий қурилиш бўлаги(ядро) билан боғлашувли муносабатда бўлган бўлак гап кенгайтирувчиларидир. Бу бўлаklarнинг кенгайтирувчи бўлаклари эса сўз кенгайтирувчилари ҳисобланади. Хусусан, тўлдирувчининг гап қурилишидаги мавқеи унинг гап таркибида сўз кенгайтирувчиси вазифасида келишидир. Тўлдирувчи(хоҳ воситали, ҳоҳ воситасиз) гапнинг лисоний абстракт, мавҳум қурилиш андазаси билан эмас, нутқий гапда воқеланган сўзнинг маъновий хусусиятлари билан боғлиқ. Шунинг учун тўлдирувчилар, асосан, марказдаги [WPm] феъл-лексемалар билан ифодаланган нутқий гапларда кенг қўлланади. Демак, тўлдирувчи марказдаги кесимдан кўра унинг бир қисми бўлиб қавдаланган: отлар, феъллар билан боғлашув муносабатига киришади. Жумладан, Мен китобни ўқидим гапида "китобни" тўлдирувчисини гапга киритувчи восита "ўқи" лексемаси ҳисобланади. Бундай талқинлардан чиқариладиган муҳим хулосалардан бири шуки, бу ёндашув тилшунослигимизда кенг тарқалиб бораётган "нофункционал(ноамалий) тўлдирувчилар", "функционал тўлдирувчилар" тушунчаларининг қўлами тор эканлигини кўрсатади. Зеро, "китобни ўқимоқ" бирикмасидаги "ўқимоқ" гапда қайси ўринда келмасин "китобни" сўзи бир хил мавқега эга. Тўлдирилмиш(ўқимоқ) гапда кесим бўлиб келганда "китобни" - функционал, бошқарувчи сўз эга ёки иккинчи даражали бўлак бўлиб келганда унинг кенгайтирувчисини-нофункционал деб баҳоланиши мантиқан сўз ва гап кенгайтирувчиларининг аралаштирилиши маҳсулидир.

Гап марказининг таркибий қисмида майл, модаллик, замон, макон маънолари борки, уларнинг нутқда воқеланиши ҳол билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳолларни гап қурилишидаги мавқеига кўра уч турга ажратиш мумкин:

Ўрин, пайт ҳоллари (гап кенгайтирувчилари мавқеидаги ҳоллар).

Луғавий маъносига кўра ҳол ёки тўлдирувчи сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ўрин, пайт, йўналиш, сабаб, мақсад натижа ҳоллари (ҳол-тўлдирувчилар).

Равиш ва унга яқин маъноли ҳоллар гуруҳи. Умумлаштиришимизни равиш ва унга ўхшаш ҳоллар гуруҳидан бошлаймиз.

Равиш ва унга ўхшаш ҳоллар гуруҳи моҳият эътибори билан феъл аниқловчиларидир. Уларнинг аниқловчилардан кам фарқланишини "кескин кураш" бирикмаси асосида исботлаш мумкин. Чунки бу бирикмада "кескин" равиш ҳоли сифатида талқин қилинади. Демак, равиш ҳоллари гап қурилишида аниқловчилар билан тенг мавқега эга бўлади ва шунинг учун уларни сўз кенгайтирувчилари тарзида баҳолаш мумкин. Бу эса тилшунослигимизда сифатловчи, қаратувчи аниқловчилардан ташқари равиш аниқловчи ҳам мавжуд бўла олиши ҳақида ҳукм чиқаришга имкон беради.

Ўрин, пайт, жойлашиш ҳоллари гап кенгайтирувчилари мавқеида замон, макон маъноларининг ойдинлаштирувчилари бўлиб хизмат қилади.

Ҳол-тўлдирувчиларнинг гапда тутган ўрни мураккаб. Улар ҳол тизимининг ўзида ҳам ҳол - тўлдирувчи зиддиятида туради, моҳияти эса муайян нутқ шароитида ойдинлашади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида ҳол билан тўлдирувчини кескин фарқлашга интилиш самарали натижа бермайди ва пировард натижада таҳлил асоси матн ва нутқий маъно каби омилларга таянади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳол-тўлдирувчилар гап кенгайтирувчилари билан лисоний босқичда чатишиб кетади. Бунинг сабаби гапнинг таянч таркибий қисмларидан бири тасдиқ ё инкорни ифодалаши, бу эса қўшимча кенгайтирувчига эга бўлиши мумкинлигидир. Шунинг учун сабаб, мақсад, натижа ҳол-тўлдирувчилари гап таркибидаги айрим сўзларнинг маъноси билан ҳам, бутун гап мазмуни билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин. Бу пайтда ҳол-тўлдирувчилар тилшунослигимизда қайд этиб келинаётган яна бир бўлак, яъни гапнинг умумий маъноси билан алоқадор бўлган детерминантлик билан рўбарў келади.

Умуман, умумлисоний даражада аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол каби уч бўлакнинг гапдаги мавқеи оша бориш занжирини қуйидагича кўрсатиш мумкин: аниқловчилар - тўлдирувчилар ҳол-тўлдирувчилар - ҳоллар. Ҳолнинг бир тури ўрин, пайт (йўналиш маънолиси) гап қурилишида эгадан қуйроқ, тўлдирувчи ва аниқловчидан юқорироқ мавқега эга бўлганлиги сабабли ҳол биринчи даражали зарурий гап кенгайтирувчиси бўлган эга билан сўз кенгайтирувчилари ўртасида оралик учинчи мавқега эгадир. Шунинг учун ҳам унинг анъанавий тилшунослигимиздаги талқинини зиддиятли ҳамда муайян грамматик омиллар билан белгиланади дейиш мумкин.

Феъл гапда кесим бўлиб келганда ҳол билан эга, макон ва замон кенгайтирувчиси билан ўрин ва пайт жойлашиш ҳоли мос келиши юқорида таъкидланган эди. Кечқурун Райхона хонасида аччиғидан акасига ушбу аянчли мактубни қизил рангли қалам билан ёзди гапида ана шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Маркази - "ёзди" феъли билан ифодаланган ушбу гапда 11 сўз иштирок этиб, барчаси марказ таркибига кирувчи кенгайтирувчилар ҳисобланади. Бунда: Райхона, кечқурун, хонасида сўзлари айни бир пайтда гап кенгайтирувчилари (эга, пайт, ўрин ҳоли), шунингдек, "ёзмок" феълининг фоили, замони ва макони каби сўз кенгайтирувчилари ҳамдир.

Рим рақамлари билан белгиланишини гапда қўлланилган сўзларнинг кенгайтирувчилик нуктаи назаридан босқичлари сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриниб турибдики, Райхона, кечқурун, хонасида сўзлари гап қурилишида анча узоқлашиб, "ёзмок" феълининг эмас, гапнинг асосий кенгайтирувчилари мавқеини эгаллайди. Қолган сўзлар эса "ёзмок" феълининг мазмуний боғлашувини ҳосил қилгани сабабли сўз кенгайтирувчиси мақомига эга бўлади.

Хуллас: 1. Кейинги йилларда тилшуносликда тараккий этиб бораётган системавий йўналиш гап бўлаклари, хусусан, тўлдирувчи ва ҳолларни ҳам энг кичик гап қурилиш асосининг кенгайиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишни тақозо этади.

2. Кенгайиш имкониятларига таяниб олиб борилган кузатув натижалари кўрсатадики, тўлдирувчининг гап қурилишидаги мавқеи маълум сўзларни кенгайтиришга хизмат қилувчилик, ҳамроҳлик хусусиятига кўра белгиланади. Тўлдирувчи ва унинг турлари моҳиятини аниқлашда сўз кенгайтирувчилари нуқтаи назаридан ёндашиш катта самара беради.

3. Ҳолнинг муайян турлари гап кенгайтирувчилари, баъзи турлари эса сўз кенгайтирувчилари мавқеларида келади. Шунингдек, ҳоллар сўз ва гап кенгайтирувчилари муносабатларида оралик учинчи мавқеини ҳам ҳосил қилади.

4. Гапнинг таркибий қисмларига [Wp_m] нуқтаи назаридан ёндашиш тўлдирувчи ва ҳолнинг ўзаро фарқланиши ҳол - тўлдирувчи сифатидаги бинар оппозицияда эмас, балки ҳол – ҳол-тўлдирувчи - тўлдирувчи каби даражали(градуал) оппозицияда эканлигини кўрсатади.

5. Тўлдирувчи ва ҳолларга доир функционаллик/нофункционаллик, детерминантлик ҳодисаларини ҳам валентлик назарияси асосида талқин қилиш мумкин. Бунда детерминант тўлдирувчи ва ҳоллар гапнинг таянч бўлаклари сифатида баҳоланади. Фразема боғлашуви эса муайян сўзга тегишлилиги билан детерминантлардан фарқ қилади. Тўлдирувчиларнинг функционал/нофункционал турлари гапда мустақил мавқе эгалламайдиган сўз кенгайтирувчилигини касб этади.

6. Анъанавий тўлдирувчи ва ҳоллар сўз ва гап кенгайиши асосдаги талқинларда агенс, объект, локалис, темпоралис каби функционал маънолар сифатида шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол[Wp_m] валентлик аспектида Тошкент. 1997. НДА.
2. Аҳмедов А. Номинатив гапларнинг алоҳида бир тури//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1978. - № 2, - Б, 40-43.
3. Амирова А.Л. Обстоятельства причины и цели в современном узбекском литературном языке; Автореф. дис. канд. филол. Наук. - Самарканд, - 1967, - 20 с. предложения в каракалпакском языке// Сб. ИСГГД. III, Синтаксис. М.: Наука, - 1978, - С. 111-121.
4. Бошмонов М. Ўзбек тилида детерминант бўлаклар//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1982, - № 2, - Б. 41-43
5. Ҳайитметов К. Детерминантлар гапнинг актуал бўлиниш назарияси аспектида//Ўзбек тили ва адабиёти, - 1981. - № 2,- Б. 27 -31.